

Аллоҳдан дунё ва охиратдаги офиятни сўранглар



10:15 / 13.02.2025 1878

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Азон билан иқоматнинг орасидаги дуо рад қилинмайди», дедилар.

Абу Довуд, Насай, Ибн Сунний ва Термизийлар ривояти.

Имом Термизийнинг ривоятларида қуйидаги жумла зиёда қилинган:

«Эй Расулуллоҳ, бу иккаласининг орасида нима деймиз?» деб сўрашди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳдан дунё ва охиратдаги офиятни сўранглар»**, дедилар».